



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 20 июль, № 148 (8491)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этди.



Саудия Арабистони Валиахди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси Шайх Мухаммад бин Салмон Ол Сауд раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири Шайх Мухаммад бин Абдулазиз Ол Мактум, Кувайт Давлати Амири ўринбосари, Валиахди Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ, Ўмон

Султонлиги Бош вазири ўринбосари Шайх Асад бин Ториқ ал-Саид, Баҳрайн Подшоҳининг махсус вакили Шайх Носир бин Ҳамад Ал Халифа ҳамда Кенгаш бош котиби Жасим Мухаммад ал-Будайвий ҳам қатнашди. Кун тартибига мувофиқ, конструктив сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз ўз нутқида Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқлари ўртасидаги

муносабатлар тарихи узоқ эканини, яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва анъаналар, муқаддас ислом динимиз уларнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Мовароуннаҳр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг бекиёс хизматлари борлиги қайд этилди. “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” — улуг аллома Имом Бухорий ана шундай сиймолардан биридир.

— Мусулмон дунёсидаги олтита буюк муҳаддиснинг икки нафари минтақамизда туғилиб камол топгани, қадимий Бухоро эса

“Қуббатул Ислон” номи билан шуҳрат қозонганидан ғурурланамиз. Маълумки, тўққизинчи аср бошида Аббосийлар давлатининг пойтахтидаги “Донишмандлар уйи” академиясида Марказий Осиёлик 200 дан ортиқ алломалар илмий фаолият олиб борганлар. Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино каби улуг алломаларимиз эса бебаҳо илмий асарларини айнан гўзал ва мукамал араб тилида яратиб, бутун дунёда шон-шуҳрат қозонганлар, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Хозирги вазиятга баҳо берар экан, мамлакатимиз етакчиси бугунги хавф-хатарларга

қарамай, иккала минтақа ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт макони бўлиб келаётганини таъкидлади. Айни пайтда Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари бир-бирларига ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарамоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим!
Мухтарам делегациялар раҳбарлари!
Ҳурматли Бош котиб жаноблари!

Барчангизни бугун “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитида кўриб турганимдан гоят мамнунман. Мўътабар бўлган Макканнинг рамзий дарвозаси — гўзал ва бетакрор Жидда шаҳридаги тарихий учрашувимизни анчадан бери кутаётган эдик.

Ушбу нуфузли анжуманимизни ўтказиш ташаббуси билан чиққани ҳамда тадбир юксак савияда ташкил этилгани учун Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Аъло Ҳазратлари ҳамда Валиахд, Вазирлар Маҳкамаси раиси, биродаримиз Мухаммад бин Салмон Ол Сауд Ҳазрати Олийлари номларига билдирилаётган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқларини азалдан яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва урф-одатлар, энг муҳими, муқаддас ислом динимиз чамбарчас боғлаб туради.

Мовароуннаҳр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг бекиёс хизматлари борлигини фахр билан эслаймиз. “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” — улуг аллома Имом Бухорий ана шундай сиймолардан биридир.

Мусулмон дунёсидаги олтита буюк муҳаддиснинг икки нафари минтақамизда туғилиб камол топгани, қадимий Бухоро эса “Қуббатул Ислон” номи билан шуҳрат қозонганидан ғурурланамиз.

Маълумки, тўққизинчи аср бошида Аббосийлар давлати пойтахтидаги “Донишмандлар уйи” деб ном ол-

ган академияда Марказий Осиёлик 200 дан ортиқ алломалар илмий фаолият олиб борганлар.

Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби улуг алломаларимиз эса бебаҳо илмий асарларини айнан гўзал ва мукамал араб тилида яратиб, бутун дунёда шон-шуҳрат қозонганлар.

Хозирда пойтахтимизда сақланаётган муқаддас Мусхафи шариф — Усмон Қуръони ўлкамиз ва араб диёрлари ўртасидаги алоқалар қадимий ва теран илдизларга эга эканидан далолат беради.

Бу каби ибратли мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Биз бундай буюк умумий тарихимиз ва меросимиз замонавий муносабатларимизга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши учун барча кучимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Атрофдаги хавф-хатарларга қарамай, минтақаларимиз тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт макони бўлиб келмоқда.

Улкан иқтисодий, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга бўлган Кўрфаз давлатларининг глобал барқарорлик ва энергетик хавфсизликни таъминлашдаги ўрни бекиёсдир. Айни пайтда Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари бир-бирларига ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарамоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлайман. Бугунги кунда юртимизда етакчи компания ва банкларнинг бу билан амалга оширилаётган умумий лойиҳалар портфели 20 миллиард доллардан ортиди.

Ижобий тажрибаларимиздан келиб чиқиб, минтақаларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни қуйидаги йўна-

лишларда кенгайтиришни таклиф этамиз.

Биринчидан. Биз сиёсий соҳада кенг қамровли алоқаларни турли форматларда ривожлантириш тарафдоримиз.

Биродар давлатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақалараро боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини биргаликда ўргансак, маъқул бўлар эди.

Иккинчи йўналиш — юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликдир.

Биз инновациялар, “сунъий” интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, нано ва биотехнологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратишимиз керак.

Шу муносабат билан, мамлакатларимиз бизнес вакиллари иштирокида Кўшма инвесторлар кенгашини таъсис этишни ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказишни таклиф этаман.

Минтақамизда Кўрфаздаги ҳамкорларимиз билан тузилган инвестиция фондлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва етакчи банкларнинг фаолиятини кенгайтириш истагидамиз. Шунингдек, “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳим, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда мамлакатимизда “ACWA Power”, “Masdar”, “Mubadala”, “TACA”, “Nebras Power” каби етакчи компаниялар билан умумий қуввати 15 гигаваттдан ортиқ қуёш ва шамол станцияларини барпо этиш ҳамда энергияни сақлаш лойиҳаларини амалга оширмоқдамиз.

Келгуси ойда Саудия Арабистони

билан “яшил” водородни ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳага тамал тошини қўямиз.

Учинчи йўналиш — савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш.

Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш долзарбдир.

Бу борада кўп томонлама Савдо битимини қабул қилиш масаласини экспертларимиз ишлаб чиқиши лозим.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун Кўрфаз давлатларига органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш механизмларини татбиқ этишга тайёрмиз.

Транспорт ва транзит соҳасида ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш ва тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадида субсидиялаш ёрдамида кўпайтиришни таклиф этаман. Кўрфаз давлатлари билан экин ва қулай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Транс-Афғон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида сизларни фаол иштирок этишга чорлаб қоламан.

Ушбу йўл транспорт харажатлари ва юкларни етказиб бериш муддатларини икки баробарга қисқартириш имконини беради.

Бу йўналишларда аниқ таклифлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадида савдо ва транспорт вазирларимизнинг мунтазам мулоқотини йўлга қўйиш умумий манфаатларимизга хизмат қилади.

Кейинги муҳим йўналиш — экология ва иқлим ўзгаришлари масаласи. Глобал Иқлим саммити бу йил Дубайда бўлиб ўтиши Кўрфаз давлатларининг мазкур йўналишда эришаётган ютуқлари халқаро эътирофидир.

Шунингдек, Саудия Арабистони

нинг “Яқин Шарқ яшил ташаббуси” минтақа экологик тизимини тубдан яхшилашга салмоқли хисса қўшаётгани тахсинга сазовордир.

Юртимизда очилаётган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида биргаликда халқаро тадқиқотлар дастурини тайёрлаш гоимизни маъқуллайсизлар, деб ишонаман.

Эътиборингизни бешинчи йўналиш — туризм соҳасига қаратмоқчиман. Кўрфаздан сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида биз бу давлатлар аҳолисига визасиз тартибни жорий этганмиз.

“Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш айна муддао бўлар эди.

Бундан ташқари, минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини 2024 йилда Ислон дунёси туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хизм шаҳрида ўтказишни таклиф этаман.

Гуманитар йўналишда давлатларимизда миллий маданият ҳафталикларини, маданий мерос кўргазмаларини ташкил этиш орқали биродар халқларимизни янада яқинлаштирган бўлар эдик.

Хозир Ўзбекистонда юз мингдан зиёд нодир қўлёзмалар сақланмоқда. Бу борада Ўмон Султонлиги қўмағида пойтахтимизда йирик лойиҳа амалга оширилганини биз миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Биз дунёда кузатилаётган исломофобия ҳолатлари билан биргаликда курашишимиз ва бу борада Ислон ҳамкорлик ташкилоти доирасида амалий қадамлар қўйишимиз керак.

Умуман олганда ушбу ташкилотнинг масъулияти ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Терроризм, экстремизм, радикализм ва наркотрафикка қарши курашиш, ёшларимизни бу каби хавф-хатарлар интернет ва бошқа воситалар орқали тарқалишидан асраш борасида алоқаларимизни кучайтиришни даврнинг ижобий баҳолаймиз.

Диққатингизни Афғонистон муаммосига қаратишни истар эдим. Бу юртда тинчлик ўрнатмасдан, нафақат минтақамиз, балки глобал хавфсизликни ҳам таъминлаш мумкин эмас.

Шу маънода, Қатар ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ташаббуси билан май ойда Доҳдада ўтказилган махсус вакиллар илк учрашувлари натижаларини ижобий баҳолаймиз.

Умуман олганда, бизнинг минтақаларимиз ташаббускор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бутун дунё эътиборини жалб этишимиз, афғон халқи ҳаётини энгил қилишга муносиб хисса қўйишимиз керак.

Мухтарам саммит иштирокчилари! Бугунги мулоқотимиз, билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар алоқаларимизнинг катта салоҳиятини кўрсатди.

Минтақаларимиз энди учрашмоқда ва катта ҳамкорлик эшигини очмоқда. Бунинг учун биродаримиз Валиахд Мухаммад Ол Сауд Ҳазрати Олийларига яна бир бор алоҳида ташаккур айтаман.

Бу каби очик ва самарали учрашувларни изчил давом эттириш учун навбатдаги саммитимизни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламан. Ҳеч шубҳасиз, бугунги тарихий саммитимиз натижалари Кўрфаз ва Марказий Осиё минтақалари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, минтақаларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни бир қатор йўналишларда кенгайтириш таклиф этилди.

Сиёсий соҳада. Ўзбекистон раҳбари кенг қамровли ҳамкорликни турли форматларда ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Биродар давлатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақалараро боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Иккинчи йўналиш — юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик. Давлатимиз раҳбари инновациялар, “сунъий” интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, нано- ва биотехнологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратиш зарурлигини қайд этди. Бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

— Минтақамизда Кўрфаздаги ҳамкорлар томонидан ташкил этилган инвестиция фондларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва етакчи банклар фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Шунингдек, “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида “Йўл

харитаси”ни қабул қилиш муҳим, деб ҳисоблайман, — деди Ўзбекистон Президенти.

Учинчи йўналиш савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтиришдан иборат. Давлатимиз раҳбари Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан кўп томонлама Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, Афғонистон орқали мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида кўпайтириш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорларни Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қулай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Транс-Афғон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида фаол иштирок этишга чақирди.

Навбатдаги муҳим йўналиш — экология ва иқлим ўзгариши масалалари. Юртимизда очиладиган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида биргаликда ҳалқаро тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Иштирокчиларнинг эътибори бешинчи йўналиш — туризм соҳасига қаратилди. “Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз

сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик махсулотларни кўпайтириш ҳамда 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида дунёда кузатилаётган исломофобия ҳолатларига қарши биргаликда курашиш масаласига алоҳида тўхталинди.

Бундан ташқари, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш соҳасида, шунингдек, бундай таҳдидларнинг интернет ва бошқа воситалар орқали тарқалишидан ёшларни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Афғонистонда тинчликка эришиш масалаларига тўхталиб ўтди.

— Бизнинг минтақаларимиз ташаббускор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бутун дунё эътиборини жалб этишимиз, афғон халқининг ҳаётини енгиш қилишга муносиб ҳисса қўйишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўзининг якунида Президентимиз бугунги тарихий саммит натижалари албатта Кўрфаз ва Марказий Осиё минтақалари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Йиғилиш якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Саммит иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги навбатдаги олий даражадаги учрашувни Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди.

Валиаҳд давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилади.

Мамлакатимиз етакчиси, ўз навбатида, Саудия Арабистони раҳбариятига юртимиз фуқаролари ҳаж ва умра амалларини адо этишлариغا яратилган шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Музокараларда Ўзбекистон — Саудия муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йилнинг август ойида бўлиб ўтган икки томонлама саммит давомида қабул қилинган битим ва келишувларни сўзсиз амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга, қўшма корхоналар сони икки баробарга ошди. Етакчи “ACWA Power”

компанияси иштирокида “яшил” энергетикада муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. “Яшил” водород, нефть-кимё, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тиббиёт, туризм ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда халқаро сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлат раҳбари лавозимига сайланганидан кейин илк хорижий ташриф билан Саудия Арабистонида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муқаддас Макка шаҳрига борди.

19 июль — ислом оламида бошланган ҳижрий 1445 йил муҳаррам ойининг биринчи кунини давлатимиз раҳбари эҳромга кириб, умра амалларини бажарди. Каъбатуллоҳнинг ичида намоз ўқиш шарафига муяссар бўлди.

Шавкат Мирзиёев динимиз арконларига мувофиқ Байтуллоҳ атрофида етти бор тавоф, Сафо ва Марва тепаликлари орасида еттита саъй қилди. Ватанимиз равақи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, барча юртдошларимиз, ёш авлодимиз бахту иқболи ва ёрқин келажагини тилаб дуолар қилди.

Таъкидлаш жоизки, айнан шу кунни Каъбанинг қисвасини алмаштириш маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

«Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» стратегик мулоқоти мамлакатларнинг ўзаро муҳим манфаатларига жавоб беради

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДХК)” форматидаги биринчи саммитда иштирок этди.

Ушбу тадбир тафсилотлари халқаро экспертлар ва

оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқда янги муҳим ташаббусларни илгари сурди, уларнинг амалга оширилиши минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари ўртасидаги

ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспертларнинг таъкидлашича, “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” биринчи саммитининг ўтказилиши халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликка қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Игорь ШЕСТАКОВ, «Ой Ордо» экспертлик ташаббуслари марказининг директори (Киргизистон):

— “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги биринчи саммит Ўзбекистон учун ҳам, бутун Марказий Осиё минтақаси учун ҳам муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ. Етакчи араб мамлакатлари бир неча йиллардан буён минтақамиз давлатларига, биринчи навбатда, иқтисодий ва инфратузилма лойиҳалари соҳасида сармоявий қўмак кўрсатиб келмоқда.

Масалан, хозирги глобал иқтисодий инқирознинг авж олаётгани ҳисобга олинса, Марказий Осиё Қатар ва Саудия Арабистони учун ташқи сиёсатдаги устувор минтақа ҳисобланиши аён бўлади. Бундай шaroитда минтақамизда инвестицияларни, жумладан, араб сармояларини жалб қилиш орқали инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш нуктаи назаридан эҳтиёж мавжуддир.

Янги таҳдидларни ҳисобга олганда Яқин ва Ўрта Шарқ томон янги транспорт ва логистика йўналишларини очиш зарурати юзага келади. “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи куч, шубҳасиз, иқтисодий ривожланиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўз махсулотларини хорижга чиқариш нуктаи назаридан энг фаол бўлаётган Ўзбекистондир.

Президентлик фаолиятининг бошида-ноқ Марказий Осиё минтақасининг очиклигига, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга таянган Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг халқаро дипломатик мулоқотининг юқори даражаси бой ва тўлов қобилиятига эга бўлган араб давлатлари билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш учун яхши имконият ҳисобланади.

Бу борада катта истиқбол очилмоқда, чунки араб мамлакатлари Марказий Осиё салоҳиятидан манфаатдордир. Бир томондан, бу — хомашё, бошқа томондан, янги корхоналарнинг очилиши. Туризм соҳасини ҳам унутмаслигимиз керак, чунки Киргизистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам араб мамлакатларидан келган сайёҳлар сони кескин кўпайганини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, хозирги геосиёсий воқеали мамлакатларимизни Марказий Осиёни стратегик муҳим минтақага айлантиришга тайёр бўлган янги бозор ва инвесторларни қидириб топишга ундамоқда.

Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университети профессори, Испания шарқшунослар ассоциациясининг бош котиби (Испания):

— Ушбу саммит Марказий Осиё мамлакатлари ва араб давлатлари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун ўзига хос ва муҳим мулоқот майдони ҳисобланади.

Ўйлайманки, ушбу саммитнинг асосий мақсади — ҳамкорликни тизимлаштириш ва Кўрфаз араб давлатлари томонидан Марказий Осиёда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларни бирлаштириш, уларга янада аҳамиятли кўруниш бағишлашдир. Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммити доирасидаги амалий ҳамкорликни кен-



га й т и р и ш бўйича илгари сурилаётган ташаббуслар айни пайтда жуда долзарб ва амалий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур, деб ўйлайман.

Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистон араб дунёси мамлакатлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди, бунинг ўзаро ташрифлар (Саудия Арабистони, Қатар, Бирлашган Араб Амириклари) натижалари тасдиқлайди.

Шу боис Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатидаги туб ўзгариш-

Александр ТУМАРКИН, Шарқ тиллари ва маданиятлари миллий институтининг (INALCO) Евроосиё тадқиқотлари кафедраси профессори (Франция):

— Тўлиқ ишонч билан таъкидлаш мумкинки, мамлакатнинг раҳбариятининг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги кунга келиб Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммитидаги иштироки ва илгари сурган ташаббуслари бунинг ёрқин далили бўлди.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида мамлакатлар ўртасида фаол ҳамкорлик жараёни, муносабатлар географиясини янада диверсификациялаш, жумладан, нафақат Европа ва Осиё қитъалари, балки араб дунёси мамлакатлари билан ҳам алоқаларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ушбу формат минтақада ҳамкорликни чуқурлаштириш учун қулай муҳит яратиш мақсадида КАДХК давлатларининг сайёҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Маъмур саммит доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа долзарб соҳалардаги ҳамкорлик масалаларининг муҳокама этилиши иштирокида давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

лар, “очик эшиклар” сиёсати шароитида, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш мақсади нуктаи назаридан мулоқотнинг ушбу формати ҳам миллий, ҳам минтақавий манфаатларини илгари сурш учун ажойиб имконият яратишига аминман.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, бугунги кунда дунё мисли кўрилмаган сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бизнес тузилмалари билан янги алоқаларни, инвестиция, савдо ва логистика соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро платформаларда бир неча бор таъкидлаганидек, таъ-

лим, соғлиқни сақлаш, иқлим, рақамли ва “яшил” технологиялар масалаларини қамраб олиши мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, минтақавий даражадаги муносабатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари жуғрофий жойлашуви билан Шарқ ва Фарб ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланадиги, бу ҳар доим ушбу минтақалар мамлакатларига халқаро сиёсатда муҳим роль ўйнаш имконини берган.

Шу билан бирга, стратегик, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида тобора кўпайиб бораётган минтақалараро масалалар муайян даражада Кўрфаз араб давлатлари манфаатларига бевосита ёки билвосита таъсирини кўрсатади.

Руди ФАНГ, Ўзбекистон — Сингапур туризмни ривожлантириш маркази раҳбари, «CASEA» Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё бизнес-палатаси бош директори:

— Дастлаб Ўзбекистоннинг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқотидаги муваффақиятли иштирокини чуқур оптимизм билан қутиб олдим.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ўзининг мустаҳкам минтақавий бирлиги ва улкан иқтисодий салоҳияти билан Марказий Осиё учун қимматли ҳамкор ҳисобланади. Ушбу ташкилот дунёдаги етакчи молиявий марказлардан бири ва йирик углеводород етакчи берувчи эканлиги ушбу иттифоқнинг аҳамиятини янада оширади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар интеграциянинг аниқ ифодаланган мақсадлари КАДХКни Марказий Осиёдаги ушбу муҳим соҳаларни ривожлантиришда самарали ҳамкорга айлантиради.

Ўзбекистон учун ушбу саммит мисли кўрилмаган имкониятдир. Бу нафақат мамлакатга КАДХК аъзолари билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки фан, технология, саноат ва қишлоқ хўжалиги каби муҳим тармоқларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини тақдим этади.

КАДХК билан шерикликни кенгайтириш ва фаоллаштириш Марказий Осиёда ўсиш ҳамда барқарорликни рағбатлантириш учун катта омилларга эга.



Ўзбекистоннинг ушбу тузилмага аъзо давлатлар билан алоқалари ривожланиб бораётгани келажақдаги ўсиш учун мустаҳкам пойдевордир. Олий даражадаги ташрифлар алмашинуви, ўсиб бораётган товар айирбошлаш ҳажми, қўшма лойиҳалар сонининг кўпайиши — буларнинг барчаси Ўзбекистон ва КАДХК ўртасидаги муносабатларнинг ёрқин истиқболдан далолат.

Таъкидлашни истардимки, “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти давлатларнинг ўзаро муҳим манфаатларига жавоб беради.

Ишончим комилки, савдо-сотиқ, сармоявий ва маданий алмашинуви кенгайтиришнинг улкан салоҳияти ўсиш ва фаровонликка олиб умумий қарашлар билан биргаликда ушбу мулоқотни ҳар икки минтақа, айниқса, Ўзбекистон учун тарихий имкониятга айлантиради.

«Дунё» АА.

Акс садо

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ЯҚДИЛЛИК ИФОДАСИ

Бу йил мамлакатимиз ҳаёти қизгин сиёсий жараёнларга бой бўлди, десак, муболага эмас. Дастлаб янгиланган Конституцияни умумхалқ референдуми орқали қабул қилган бўлсак, 9 июль куни улкан тарихий воқеа — муддатидан илгари ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимиз, бутун халқимиз учун янги даврни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини халқимиз катта қизиқиш билан кузатиб. Боси унда давлатимиз раҳбари келгуси йилларда амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил тўхталди.

Айтиш жоизки, юртимиз тараққиётини белгилайдиган устувор вазифаларни амалга ошириш учун шарт-шароит ҳам, имконият ҳам, интеллектуал ва маънавий салоҳият ҳам етарли. Бунинг давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

Эътиборимизни тортган жиҳат шу бўлдики, давлат раҳбари нутқидаги фикр-мулоҳазалар, белгиланган вазифалар бутун халқимиз учун тушунарли тилда баён этилди.

Хусусан, Президентимиз Ўзбекистон тараққиётининг муҳим стратегик йўли моҳиятини очиб бераркан, бошқа соҳалар қаторида ёшлар масаласига ҳам тўхталиб, навқирон авлодга янги Ўзбекистон, учинчи Ренессанс бунёдкорлиги сифатида мурожаат қилди. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан умумли фойдаланиб, қадрига етиб, доим интилиш ва изланишда бўлишга чақирди. Бу фикрлар мамлакат тараққиёти йўлида ёшлар масаласи, таълим, илм-фан масаласининг ўрни жуда муҳим эканлигини кўрсатади.

Юртбошимиз деярли ҳар бир чиқишида “Нажот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда”, деган фикрни айтиб келади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирги зиддиятли, ўта мураккаб замонада тўғри йўл тутиш учун ақл керак, илм, билим, салоҳият керак. Бу эса рақобатбардор ҳамда ватанпарвар кадрларни тайёрлаш билан бевосита боғлиқ.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз нафақат моҳир пахтакор ва боғбонлар ўлкаси, балки юқори малакали IT мутахассислар, муҳандис ва энергетиклар, кончи ва металлурглр, физик ва кимёгарлар мамлакат бўлишимиз керак.

Албатта, бу гапнинг замирида, бир томондан, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган мақсад ва қутилаётган натижалар ётса, иккинчи томондан, Хоразмий, Фароний, Беруний, Ибн Сино, Замаҳшарий каби улуг аждодларимизга муносиб ворислик масъулияти ҳам мужассам.

Санжарбек ДАВЛЕТОВ, Урганч давлат университети Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, тарих фанлари доктори, профессор.



ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ ЁШЛАРГА ЮКСАК ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

Сир эмас, бугунга келиб эл-юрт манфаати, яъни “инсон — жамият — давлат” тамойили асосидаги ислохотлар янги Ўзбекистондаги тарихий ўзгаришлар бош мезонига айланиб улгурди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимдаги нутқидан мана шу қатъий хулосани яққол англаш мумкин.



Давлатимиз раҳбарининг самимий эътирофларга ва янги та-шаббусларга бой нутқини катта қизиқиш билан тингладик. Зеро, шу жараёнда ўзимизнинг фао-лиятимизга баҳо бердик ва ис-тиқболдаги вазифаларимизни ич-ичимиздан теран ҳис этдик.

Мазкур нутқни келгуси етти йилда амалга оширилиши бел-гиланган ва мазмун-мундарижа-си ҳудудлардаги сайловчилар, умуман, халқимиз билан ба-маслаҳат тайёрланган тараққиёт дастурининг мустаҳкам асоси, десак, айни ҳақиқатни гапирган бўламиз. Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин истиқболда янги Ўзбекистон учун барча соҳада туб бурилиш ва улкан ўзгариш-лар даври бўлади. Негаки, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажақ пойдевори” деган қатъий талаб ҳар қайси раҳбар-нинг, барча халқ ноиблари, ва-зир ва ҳокимларнинг қундалик фаолият дастурига айланади.

Маълумки, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, ма-даният ва санъат, спорт соҳа-ларини ривожлантириш, янги

уй-жойлар қуриш, хуллас, Президент нутқида тўхталиб ўтилган барча масала аслида ёшлар ҳаёти, бугуни ва эртаси билан чамбарчас боғлиқ.

Нутқда шу ҳақда сўз борар-кан, тадбиркорлик учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунар-ларга ўқитиш, улар бандлигини ошириш ҳамиша эътибор мар-казида бўлиши ургуланди.

Ушбу йўналишдаги ишлар амалда бошланган бўлиб, ҳар бир ўғил-қиз мактабни бити-раётганда камда иккита касб-хунар эгаллаши, иккита хорижий тилини билиши ва битта мусиқа чоғлусидан хабардор бўлиши учун зарур шароит яратилмоқ-да. Бу жараёнда биз бозор та-моиллирига асосланган кучли иқтисодиёт баробарида аҳдо-ларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асослан-ган кучли маънавиятга таянамиз. Негаки, иқтисодиёт ва маънави-й қунининг икки қаноти каби ни-ҳоятда зарур омиллардир. Ҳар икки қанот тенг тебрангандаги-

на юксакларга парвоз қилина-ди. Шунинг учун ҳам миллий ўзлигимиз ва эзгу қадриятлари-мизни асраб-авайлаш, мадани-ят, маънавият ва маърифат со-ҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ма-саласи кун тартибимиздан ҳеч қачон тушмайди. Президентим-из, халқимиз, Ватанимиз эса ёшларга юксак ишонч билан қарайди. Ёшликни, вақтни ғани-мат билиб, изланиш ва инти-лишдан асло тўхтамаган авлод-га, албатта, бахту омад доимо ҳамроҳ бўлади!

Такрор бўлса-да, айтмоқчи-мизки, охириги олти-етти йил да-вомида Ўзбекистонда туб ўзга-ришлар қириб бормаган ҳудуд, тармоқ, йўналиш қолмади. Бу — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳаси бўладими, прагматик ички ва ташқи сиё-сатми, иқтисодиётни эркинлаш-тиришми, таълим ёки тиббиёт, ижтимоий ҳимоя тизимими, хул-лас, барча йўналишда соатлаб айтиш мумкин бўлган янгилик-лар кўп. Эндиги вазифа шу ютуқ-ларни янада мустаҳкамлаш би-лан боғлиқ. Яъни ёруғ истиқбол-га кўз тикиб турган миллионлаб инсонлар — ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ўғил-қизла-римиз умид ва ишончини оқлаш, бизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари.

ИСЛОҲОТЛАР БОСҚИЧИДА БОР КУЧ ВА ҒАЙРАТИМИЗНИ, ТАЖРИБА ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ҚИЛИШИМИЗ ЗАРУР

Президентнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини тинглаш асносида кўнглимдан турли ёруғ фикрлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилиниши ва ундан қатор янги норма ва меъёрлар ўрин эгаллагани ҳамда Президент сайлови шу қондалар асосида демократик руҳда ўтказилгани билан боғлиқ мулоҳазалар кечди.



Муҳими, мазкур сиёсий тадбир жараёни халқимиз ва жамиятимизнинг сиёсий етуклигини ҳамда янги Ўзбе-кистонни барпо этиш йўли-да амалга оширилаётган ис-лохотларни ватандошлари-миз яқдллик билан қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди.

Бевосита давлат раҳбари нутқида келадиған бўлсак, унда мамлакатимизда кейин-ги етти йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган ис-лохотлар, мақсад ва устувор вазифалар белгиланди. Хусу-сан, олдимизда давлат бош-қарувини тубдан тақомил-лаштириш, одил судловга эришиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш йўналишида улкан ўзгаришлар қилиниши-ни бутун халқимиз кутмоқда. Негаки, мазкур йўналишдаги ислохотлар тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган қатор иллат-ларни бартараф этиш имко-нини беради.

Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб

ишлашимиз керак бўлади. Давлат раҳбари таъбири би-лан айтганда: “Халқимиз-нинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — де-путат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва но-давлат ташкилотлари раҳ-барларидан, ҳар бир юр-тодошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввал-гидан икки-уч қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан иш-лашни талаб этади”.

Шу маънода, биз, сена-торлардан ислохотларнинг таъсирчанлиги ва бардаво-лигини таъминлаш, бутун диққат-эътиборимизни ол-димизда турган вазифалар-ни ҳал этишга қаратиш, юр-тимизнинг дунёдаги ўрни ва

нуфузини янада юксалтириш ва унинг шон-шухратини оширишда ҳар бир имкони-ятдан оқилона фойдаланиб, муаммоларни ақл билан, илм билан ҳал қилиш, тур-ли синовларни бамаслаҳат, оғир-вазминлик билан енгиб ўтиш тақозо этилади.

Энг аввало, парламент на-зорати институтини янада ку-чайтириш, қонун ижодкорли-ги фаолиятининг сифат да-ражасини яхшилаш, янгилан-ган Асосий Қонунимиз асо-сида мавжуд ҳуқуқий-меъё-рий базани янгилаш, бугунги кун талабига мос қонунлар-ни қабул қилиш, зарур бўлган қонун ҳужжатларига ўзгарти-риш ва қўшимчалар киритиш, муҳими, тўғридан-тўғри иш-лайдиган халқчил қонунлар қабул қилинишига эришмоғи-миз керак бўлади.

Умуман олганда, мамла-катимизни кейинги йиллар-да ривожлантиришга қара-тилган ислохотлар жараёни-да ўзимизнинг бор куч ва ғайратимизни, тажриба ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар қилишимиз ниҳоятда зарур.

Шухрат Чўллийев,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси
ўринбосари.

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ТУБ БУРИЛИШЛАР КУТИЛМОҚДА

Аёнки, белгиланган вазифа ва мақсадларга иқтисодий барқарорлиқни таъминламасдан туриб эришиб бўлмайди. Шу боис янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, бу борада мамла-катимизнинг инвестициявий жозибдорлиги янада ошири-либ, иқтисодиёт соҳасида ҳам туб бурилишлар қилиниши бел-гиланди. Жумладан, “Яшил иқтисодиёт”, “яшил энергия” тамойиллари янада кенг жорий этилади. Иқтисодиётимизга ки-ритилаётган инвестициялар ҳажми бир неча баробар орта-ди. 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажми 160 миллиард долларга етказилади.

Шунингдек, бу борада иқти-содиётимизга инвестициялар-ни кенг жалб этиш, банк тизи-мини ислоҳ қилиш энг асосий вазифалардан бири бўлиши таъкидлаб ўтилди. Бунда тад-биркорлик учун янада қулай имкониятлар яратилиб, янги иш ўринлари очилади. Аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимизнинг сайловол-ди дастурида 2030 йилгача 250 млрд. доллар инвестиция-ларни ўзлаштириш, жумладан, бунда 110 млрд. долларни тўғридан-тўғри хорижий инвес-тициялар ҳисобига, 40 млрд. долларни давлат-хусусий шер-иклик доирасида жалб этиш мақсад қилинган.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш билан бир қатор-да банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини ҳозирги 18 миллиард доллардан 40 миллиард долларга ет-казиш бўйича аниқ дастурлар ижроси таъминланган. Шу би-лан бирга, банкларга қўйи-лаётган омонатлар ҳажми 4 ба-робар оширилиб, банкларни хусусийлаштириш жараёни тезлаштирилади.

Бунинг учун банк бозорига яна камиди 4 та йирик нуфуз-ли чет эл банки кириб келиши таъминланиб, нобанк молиявий хизматларни кенгайтириш учун катта имкониятлар яратилади. Шунингдек, иқтисодиётнинг қон томири бўлган тадбиркорлар-ни қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажмини ошириш учун Жаҳон



савдо ташкилотига аъзо бўлиш ишларини жадаллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қарати-лади.

Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 1 миллиард доллар маб-лағ ажратилади. Қолаверса, келгуси йилларда 50 та нуфуз-ли хорижий бренд билан мах-сус экспорт зоналари очилади. Бу бевосита маҳаллий тадбир-корларимиз фаолиятига ўзи-нинг ижобий таъсирини кўрс-тиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорига муносиб ўрни-ни топишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, ҳар бир ту-манда камиди мингта иш ўрни яратадиган 2 тадан янги сано-ат зоналари ташкил этилади. Юқорида таъкидлаб ўтилгани-дек, бундай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тайёр инфраструктурага эга бўлган саноат зоналарига хорижий инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши эса ҳар бир иш ўрни-нинг муносиб меҳнат ҳақи би-лан яратилишига олиб келади.

Албатта, ушбу мақсадларга эришишда янгиланган Консти-туциямизга мос равишда мав-жуд ҳуқуқий-меъёрий базани тақомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жа-раёнда қонунчилик ва ижро ҳокимиятини мукаммаллашти-риш, фуқароларни идорама-идора сарсон қилмайдиган их-чам ва самарали бошқарув ти-зимини ташкил этиш муҳим са-налади. Қонунчилик базасининг кучайтирилиши эса, ўз навба-тида, биз, халқ вақиллари зими-масига катта масъулият юқлайди.

Махфират
ХУШБАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

БЕЛГИЛАНГАН МАРРАЛАР БАЛАНД, МАҚСАДЛАР ЗАЛВАРЛИ, РЕЖАЛАР УЛКАН

Президентнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи олдиндаги етти йилликка мўлжалланган кенг қўламли дастур бўлди, десак, айни ҳақиқат. Зеро, унда барча соҳада амалга оширишимиз зарур бўлган долзарб вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб берилди.

Табииyki, буларга осон-лик билан эришиб бўлмай-ди. Бунинг учун ҳар биримиз-дан катта куч ва масъулият талаб этилади. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажақ пойдевори” деган шиор бугундан бошлаб ҳаётимиз қоидасига, ҳар қайси раҳбарнинг, барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг қундалик фаолият дастурига айлани-ши шарт”.

Гувоҳи бўлганингиздек, нутқда янги Ўзбекистоннинг асосий устуни — билим, таъ-лағ ажратилади. Бу бежиз эмас. Ривожланган қайсики давлат тарихини қузатманг, уларнинг барчасида илм-фанга алоҳида эътибор қаратилгани кўзга яққол ташланади.



рур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиши яна бир бор айтиб ўтилди. Бу бежиз эмас. Ривожланган қайсики давлат тарихини қузатманг, уларнинг барчасида илм-фанга алоҳида эътибор қаратилгани кўзга яққол ташланади.

Шу маънода айтадиган бўлсак, бу борада белгилан-ган марралар юксак, режа-лар улкан. Эътибор қаратай-лик, 2030 йилга қадар аҳолининг мактабгача таъ-лимга бўлган талаб ва эҳтиё-жини тўлиқ қоплаш ва қам-ров даражасини 100 фоизга етказиш, боғчалар моддий-техника базасини янада ри-вожлантириш кўзда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳати, ушбу мақсадга эришиш учун 7 фоизлик ставкада 10 йил муддатга кредит бериш, ишлаб чиқариш корхонала-рининг боғча қуришга сарф этиладиган харажатларини солиқлардан тўла озод қилиш тартиби ишлаб чиқи-лади. Айни чоғда 2030 йилга қадар қўшимча, эътибор бе-ринг, 2 мингта боғча қуриш мақсад қилинмоқда. Бу ра-қамларнинг ортида қанчадан қанча меҳнат, эътибор, маб-

лағ, давлат ғамхўрлиги ва келажакка бўлган ишонч мужассам, десак, муболага бўлмайди.

Бундан ташқари, болалар-ни эрта ёшдан бошлаб за-монавий ахборот техноло-гияларига ўргатиш мақсади-да ҳар бир боғчани компью-тер синфи билан таъминлаш бўйича ҳам аниқ режалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилади.

Умуман олганда, таълим ва тарбия йўналишига бўлган эътибор янада кучайтирила-ди. Пировард мақсад эса аниқ. Яъни мақсадимиз — ана шундай замонавий ша-роит яратиш орқали янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам фундаменти, суянчи ва пор-лоқ келажагини таъминлаш-дан иборат.

Шомансур САГДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси.


СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида барча соҳалар қатори экология ва атрофи-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундан буён ҳам долзарб вазифа бўлиб қолиши алоҳида қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда юртимизда сув ресурсларидан самара-ли фойдаланиш, уларни бошқариш ти-зимини тақомиллаштириш, сув ҳўжали-ги объектларини модернизация қилиш бўйича изчил ислохотлар амалга оши-рилмоқда.

Хусусан, 2019 йилдан бошлаб рес-публикамизда сувни тежайдиган техно-логияларни жорий этишни давлат томо-нидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги ти-зим — субсидия ажратиш механизми йўлга қўйилди. Шунингдек, сув тежовчи технологиялардан фойдаланаётган тад-биркорларга давлат томонидан имтиёз-лар қўлланилмоқда.

Натижада сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган кишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 2019 йилда 137,9 млрд. сўм, 2020 йилда 251,6 млрд. сўм субсидия маблағлари берилган бўлса, 2021 йил-дан бошлаб Давлат бюджетидан суб-сидиялар ажратиш миқдорини техно-логиянинг сифат кўрсаткичидан келиб



чиқиб ҳисоблаш тартиби белгиланиб, 2021 йилнинг ўзида 899,4 млрд. сўм, 2022 йилда 175,7 млрд. сўм, субси-дия йўналтирилди.

Сув тежайдиган технологиялар ри-вожланган хорижий давлатларнинг илғор тахрибаларини жойларга бориб ўрганган ҳолда мамлакатимизда томчи-латиб, ёмғирлатиб ва дискрет каби усул-ларда суғориш, шунингдек, ерларни ла-зер ускунаси ер текислагичлар билан текислаш технологияларини жорий қилиш устувор вазифа сифатида танлаб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

2018 йилгача республика бўйича сув тежайдиган технологиялар қўлланаётган майдонлар 28 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсат-кич 1 млн. гектарга етди. Ушбу техноло-гиялар майдонларда суви 40 — 50 фо-изга, минерал ўғитларни 25 — 30 фоиз-га, ёнилғи-мойлаш материалларини 30 — 35 фоизга камайитириш, ҳосил-дорлиқни, жумладан, пахтачиликда 30 фоизгача ошириш имконини берди.

Амалга оширилаётган ишлар сув ре-сурслари захираси ҳамда аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъ-минлашда юзага келадиган таҳдидлар-нинг олдини олиш, суғориладиган ер-ларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, трансегаравий сув ресурсларини адо-латли ишлатиш, обиҳаётдан оқилона ва самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мухтасар айтганда, илгари сурилган ташаббуслар инсон манфаатларини таъ-минлашда, мамлакатимиз иқтисодиёти-ни барқарор ривожлантиришга, халқи-миз турмуш шароитини янада яхшилаш-га замин яратди.

Равшанбек БЕГМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЖИДДИЙ ЭЪТИРОЗИГА НИМА САБАБ БЎЛДИ?

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълимни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, илғор халқаро стандартларни жорий этиш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий ҳимоясини яхшилаш ҳамда соҳада коррупциявий ҳавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Эшитув



Хусусан, олий таълимда жараёнларни бошқаришнинг шаффофлигини ошириш мақсадида “HEMIS” ахборот тизими жорий этилиб, талабаларнинг шахсий варақаси, гуруҳ журнали, рейтинг дафтарчаси, дарс жадвали, давомати ва ўзлаштиришнинг қайд варақалари рақамлаштирилди.

Ишга қабул қилишда шаффофликни таъ-минлаш мақсадида миллий вақансиялар ба-засининг “ish.mehnat.uz” ва “vacansy.edu.uz” сайтларида бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар эълон қилиш тартиби йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Корруп-цияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ маса-лалари қўмитаси томонидан “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида таълим тизими-да амалга оширилаётган ишлар ҳолати Хо-разм ва Бухоро вилоятларидаги олий ўқув муассасалари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Кўни кеча парламент қуйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Ёшлар масалалари бўйи-ча комиссияси томонидан мазкур ўрганиш якунларига бағишланган эшитув ўтказилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги-нинг ахбороти эшитилди.

Унда олий таълим тизимида коррупция-га қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишларга урғу берилди. Жумладан, талабалар ва пе-дагог ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш мақсадида рас-мий “telegram bot” ташкил этилди. “Ишонч телефони” ва “anticor@edu.uz” электрон почта фаолияти йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларининг ўқув бинолари-да “Адолат қутилари” ўрнатилди.

Шунингдек, хориждан ўқиниш давлат олий таълим муассасаларига қўчирилиш Билим ва маалақаларни баҳолаш агентлиги орқали амалга ошириш тартиби йўлга қўйилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар ва-зирлиги тизимидаги ташкилотлар ходимла-рининг малака ва қўнималарини ривож-лантириш, уларда коррупцияга қарши им-мунитетни шакллантириш мақсадида масо-фавий малака ошириш курслари ташкил этилиб, тингловчиларга ҳуқуқий муҳофаза қилиш академияси томонидан сертификат-лар топирилди.

Соҳада амалга оширилган ишлар билан бирга коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ўз ечимини қутаёт-ган айрим масалалар борлиги ҳам аниқ-ланган. Масалан, олий таълим тизимидаги бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга шароит яратувчи нормалар ўз вақтида бартараф этилмаган.

Ўрганилган олий таълим муассасалари-да мансаб ёки хизмат мажбуриятларини ба-жариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлар, айримларида эса бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадсиз сарфлаш ҳолатлари аниқланган. Баъзи олий ўқув юртларида давлат харид-ларига оид қонун талаблари бузилган.

Шунингдек, айрим мансабдор шахслар томонидан коррупцияга оид жиноятлар со-дир этилганлиги аниқ кўриниб турган бўлса-да, улар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилу-вчи органларга хабар берилмасдан қолган. Бу каби ҳолатлар депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди.

Эшитувда депутатлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги қонунчилик ҳужжатларидаги коррупцияга шароит яратувчи нормаларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш бора-сида жамоатчилик ва аҳоли билан доимий қайта алоқа қилиш тизимини йўлга қўйиш, тизимда комплаенс назорат бўлинмалари фаолиятини танқидий қўриб чиқш ва со-ҳада коррупциянинг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўриш, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсия-лар берди.

Кун тартибидagi масала юзасидан те-гишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Маданият хабарлари

ХОНОБОДАДА
«ДУНЁ САДОЛАРИ»
ЯНГРАМОҚДА

Анджон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Дунё садолари» халқаро миллий эстрада санъати фестивали бўлиб ўтмоқда.



Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган тантанали очилиш маросимида мамлакатимизда маданият соҳасини юксалтириш, юртимизнинг туризм салоҳиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда миллий, жаҳон эстрада санъатини кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш, халқимизни жаҳон эстрада юлдузлари санъатидан баҳраманд қилиш, юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод онгида санъат орқали миллий ўзлигини англаш туйғусини, юксак бадиий эстетик тафаккурни камол топтириш мақсадида илк бор ўтказилаётган «Дунё садолари» фестивали мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтариши билан аҳамиятлидир.

Тадбир давомида тақдим этилган сахна кўри-нишларида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида хос бўлган анъаналар, одатлар ўз ифодасини топган бўлса, эстрада юлдузларининг чиқишлари дунё мусиқий маданияти тимсоли сифатида янгради. Шунингдек, фестиваль доирасида эълон қилинган ёш хонандалар кўрик-танлови ғолиблари муносиб тақдирланди.

Айтиш жоизки, ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятдан келган 400 нафардан зиёд иштирокчиларнинг истеъдоди тажрибали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Шунингдек, дунёнинг 20 дан зиёд давлатларидан келган қўшиқчилар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИНГ
ЗОМИН СЕМИНАРИ

Пурвиқор тоғлар бағридаги «Ўриклисой» дам олиш масканида республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари бўлиб ўтмоқда.



Унда юртимизнинг барча ҳудудидан назм, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий публицистика йўналишларида ижод қилувчи 160 нафар қаламқаш иштирок этаётган бўлса, уларнинг 90 нафари иқтидорли ёш йигит-қизлардир.

— Жорий йилда чорак асрлик тўйи нишонланаётган мазкур семинар йиллар давомида қанчадан-қанча ёшларни кашф қилди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид. — Юртимиз иқтидорли ижодкорларга низоътада бой. Йиллар давомида «Ўриклисой» дам олиш масканидаги семинарда қатнашганларнинг аксарияти бугун Ўзбекистоннинг элга танилган ижодкорларидур. Уларнинг сафи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Айни вақтда иштирокчилар шубҳаларга бўлиниб, катта тажрибига эга устозлар, ижодкорлар кўмағида ўз иходий ишларини янада сайқаллаштириш, билим ва маҳоратини бойитиш, ижодларидаги ютуқ-камчиликларни ўртоқлашиш бўйича назм ҳамда наср йўналишидаги жараёнларда қатнашмоқда.

Уч кун давом этадиган семинар доирасида юртимизнинг танилиш адиб ва шоирлари иштирокида давра суҳбатлари, мушоиралар, адабий жанрлар бўйича шубҳаларда машғулотлар, маҳорат дарслари, табиат кўйига саёҳатлар ва бошқа бир қанча қизиқарли тадбирлар ўтказилади.

Толибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Хива — 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти

МОЗИЙДАН ТАРАЛГАН НУР ВА
ЗАМОНГА ҲАМОҲАНГ ЖОЗИБА

Маълумки, 2022 йилнинг 27 — 29 июнь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XI сессиясида «Хива — 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти» деб эълон қилинган эди.

«Очиқ осмон остидаги музей-шаҳар» деб эътироф этиладиган қадимий ва навқирон Хиванинг бундай юксак макомга муносиб кўрилиши бежиз эмас, албатта. 1990 йили ЮНЕСКОнинг дунё маданий мерослари рўйхатига киритилган бу қадим шаҳар сўнгги йилларда жаҳон туризм марказларидан бирига айланди. Кейинги йилларда Хива қатор нуфузли халқаро конференциялар, форумлар, маданий тадбирларга мезбон бўлаётгани бу асим шаҳарнинг жаҳон маданий-маърифий марказларидан бирига айланиб бораётганини англатади. Ана шу эътироф самараси ўлароқ, 2020 йили Хиванинг турк дунёси маданияти пойтахти, дея эълон қилиниши шаҳарнинг дунё миқёсида доврғини янада кенг ёйиш, қардош халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга туртки берди.

Президентимизнинг 2023 йил 12 июлдаги «Хива — 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти» халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарори қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг туристик салоҳиятини, нуфузини халқаро майдонда янада оширишга, фаол тарғиб қилишга имкон яратади.

Қарорга кўра, «Хива — 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти» шиори остида қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. 2024 йилнинг март ойда афсонавий Хивада ушбу халқаро тадбирнинг расмий очилиш маросими ҳамда май ойда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XII сессияси бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2023-2024 йилларда «Taste of Uzbekistan Festival» шиори остида гастрономик фестиваль, Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган «Strongmen» халқаро баҳодирлар ўйини мусобақаси, «Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги» доирасидаги тадбирлар, турли кўргазмалар, журналист ва блогерлар учун пресс-турлар ташкил қилинади.

Ҳўш, ислом дунёсининг ту-

ризм пойтахти номи бу шаҳарга яна нима беради? Бу эътироф ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, янги инфраструктура объектлари, музей ва экспозициялар барпо этиш, сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажмини ошириш имконини яратади. Йил бўйи давом этадиган маданий тадбирлар, хорижий ва маҳаллий журналистлар учун уюштирилаётган медиатурлар нафақат шаҳарни, балки бутун мамлакатни дунё миқёсида кенг танитади. Жаҳон жамоатчилиги юртимиз тарихи, табиати, халқимизнинг турмуш тарзи ҳамда маданияти, урф-одат ва анъаналари билан янада яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Қадимий шахримизнинг бундай юксак макомга эга бўлиши биз учун катта шараф. Бугун Хивада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари эса «Хива — туризм салоҳияти юксак қалъа» эътирофига тўла мос келади.

Ботиржон САИДОВ,
Хоразм вилояти ҳокимининг
туризм, маданият, маданий
мерос ва оммавий
коммуникациялар
масалалари бўйича
ўринбосари.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Бугун Навоий вилоятига йўли тушган киши бу ерда қовун нархи республикаимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда бироз баландлигини қўзғатиши мумкин. Бунинг асосий сабаби пайкал зироатчилигида ўз мактабига эга Нурота, Хатирчи ва Жалойир ҳудудларига «қовун пашшаси» ҳашароти жиҳдий зиён етказётгани билан боғлиқ. Ҳўш, вилоятда бу муаммага қачон ечим топилади? Айни йўналишда қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирувчи фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, томорқа ер эгалари ўртасида қачон кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилади?

ЗАВОЛГА ЮЗ ТУТАЁТГАН
ҚОВУНЧИЛИК МАКТАБИТалаб ва тақлиф бор,
лекин қафолат йўқ

— Кечагидек эсимда, — дейди меҳнат фахрийси Абдурахмон Нуриллаев. — Одамлар Гўмбаз тарвузи, Хайробод қовуни (Нурота туманидаги ҳудудлар), Хатирчидан «обиновот», Жалойирдан «гулоби» ва «шакарпалак»ни Навоий шаҳридаги деҳқон бозорларида навбат туриб олишарди. Қовун-тарвузлар пичоқ тортишинг билан тарс ёрилар, шираси чак-чак томиб турарди.

Навоий вилояти марказига бу каби тарвуз ва қовунлар келмай қўйганига ўн йилча бўлди. Буни деҳқончилик миришкорлари республикаимиз ҳудудидаги кириб келган «қовун пашшаси»нинг асоратлари билан боғлашади. Тўғри, бугунги кунда ушбу зараркунандага кимёвий усул билан курашишнинг бир қатор воситалари мавжуд.

— Аммо ўша кимёвий дори воситалари самараси қафолатланмаган, — дейди нуроталик тажрибали деҳқонлардан бири Аҳмад Жабборов. — Тўққиз йилдан бери қовун-тарвуз етиштиратган бўлсам, кейинги етти йил давомида ушбу муаммо билан курашамиз. Шу сабабли, ушбу зараркунандага қарши қандай курашдини билмай, бошимиз қотган. У қовуннинг ичига кириб, еб битириб, кейин чиқиб кетади. Бу орада қовун эккан одамнинг ҳам асабини еб битиради.

Деҳқоннинг ташвишида жон бор. «Навоийагрохимёвхима» АЖ бўлим бошлиғи Тўлқин Бўроновнинг таъкидлашича, «қовун пашшаси»га қарши бир мавсумда камида уч-тўрт бор кимёвий воситалар билан ишлов ўтказиш талаб этилади. Шу-

нингдек, эртапишар ва кечпишар полиз экинларини бир-бирига яқинлаштирмасдан парваришлаш тавсия қилинади. Энг ёмони, мазкур ҳашарот тушган пайкалда 90 фоизга қадар ҳосил нобуд бўлади.

Хуллас, ҳар йили меҳнати ва қилган харажатига қуйиб қолаверган деҳқонлар алаоқибат қовун экмай қўя қолишди. Бу орада уларни етиштиришда тўлғалар тажриба ва малаканинг авлоддан-авлодга ўтишидаги узвийлик ҳам йўқолиб бормоқда. Вилоят бозорларини эса Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан келтирилган қовун-тарвузлар эгаллаб бўлди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: «қовун пашшаси»нинг мазкур ҳудудларга оёғи етмайдимиз?!

Фақат қозғозда,
амалда-чи?..

Вилоятнинг қадим Жалойир қишлоғи воҳанинг ягона — Зарафшон дарёси соҳилида жойлашган. Гўшанинг унумдор тупроғида омилкор деҳқон йил — ўн икки ой сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб ҳосил олади. Айниқса, Жалойирда етиштирилган «бўриқалла», «гулоби», «шакарпалак», «қорақанд» ва «обиновот» қовунларининг доврғи ҳамон кекса авлоднинг тилидан тушмайди.

Акрам Ҳомидов, Вопо Бозоров, Қамбар Ҳўмиев, Усмон Турсунов, Исмоил Маматов, Фармон Эргашев, Неймат Гадовев каби деҳқонлар яқин-яқинларгача Жалойир қовунчилигини машҳур қилишган эди. Улар етиштирилган қовунлар хатто Самарқанд ва Бухоро бозорларида ҳам «фалончи»нинг пайкалидан деб аталарди. Ҳандалак эса ҳар бир хонадоннинг эртапишар, асосий пайкалдаги

қовунларнинг дебочаси, полизчиликда чилги ҳосили бўлган.

Бугун кексалик гаштини сураётган саксон икки ёшли Самад Бозоров Жалойир деҳқончилик мактабининг тажрибали зироатчиларидан бири бўлиб, қовун етиштиришнинг ҳадисини олган.

— Ота-боболаримиз қовунчиликда эҳтиёткорлик билан иш тутиб, айниқса, нав, уруғ танлашда адашмаганлар, — дейди меҳнат фахрийси. — Қовун етиштиришда унумдор, сизот сувлардан узок, қаттиқ, очиқ ва соясиз жойни танлашарди. Негаки, қовун жудам иссиқсевар, унинг учун мўътадил ҳарорат фанда 25 — 30 даража дейилса-да, 40 — 50 даража иссиқда ҳам яхши ҳосил олиш мумкин.

Сирасини айтганда, полизчиликка мос бундай экин майдонлари вилоятда бисёр. Қозғоздаги маълумотларга кўра, бу йил вилоят бўйича қарийб 3 минг гектар ерга қовун, 1124 гектар майдонга эса тарвуз экилган. 110 минг тоннадан зиёд-роқ ҳосил олиш режалаштирилган.

Илм ва инновация
керак

Таъкидлаганнимиздек, вилоятнинг ҳар бир ҳудуди қовун-тарвуз етиштиришда ўз мактабига эга. Мисол учун, жалойирлик машҳур миришкор Фармон Эргашевни ҳануз тажрибали деҳқон сифатида тилга олишади. Айтишларича, унинг пайкалидан олиб келинган қовун-тарвуз тугамагунча, бозорда бошқаларнинг савдоси юришмас экан. Бу бироз муволаға бўлиши мумкин, лекин Самад бобо Бозоровнинг қуйидаги сўзлари айни ҳақиқат.

«БОБУРНОМА»НИНГ
ИТАЛЬЯН ТИЛИДАГИ
НАШРИ ТАҚДИМОТИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» тарихий-биографик асари Италиянинг етакчи нашриётларидан бири «Sandro Teti Editore» нашриёт уйида итальян тилида чоп этилди.

Мерос

Анджонда Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан ўтказилган ушбу китоб тақдимида бобурунос ва адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда маълум қилинишича, китобни

ди раҳбари Зокиржон Машрабов. — «Бобурнома»нинг итальян тилига таржима қилиниб, чоп этилиши қарор ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилган хайрли ишлардан биридир.

Китоб Президентимизнинг сўзбошиши ҳамда атоқли итальян олими ва адиби



чоп этишга тайёрлашда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, профессор Шўҳрат Сирожиiddин, италиялик таникли турколог, профессор Федерико Де Ренцининг ҳиссаси катта бўлди.

— Шу йил 25 январдаги «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Президент қарорида улуг аждодимизнинг ҳаёти ҳамда фаолиятига оид илмий ва тарихий маълумотларни кенг тарғиб этиш, янги манбаларни нашрдан чиқариш каби вазифалар белгилаб берилган эди, — дейди Бобур номидаги халқаро жамоат фон-

Франко Кардинининг кириш сўзи билан бошланади. Унда Бобурнинг жаҳон илм-фани тамаддунига қўшган ҳиссаси, илмий-ижодий меросининг аҳамияти ҳақидаги фикрлар ўрин олган.

Тақдирот маросимида мамлакатимиз, шунингдек, Қирғизистон, Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон каби ўнлаб давлатлардан ташриф буюрган бобурунос ва адабиётшунос олимлар «Бобурнома»нинг янги нашри жаҳон адабиётининг дурдона асари сифатида уни итальян тилида ўқувчиларни жуда хурсанд қилганини таъкидлади.

«Халқ сўзи».



Жалойирлик уста деҳқонларнинг хотирлашича, Фармон Эргашев ерни ҳайдашдан аввал кўп миқдорда гўнг солар, кимёвий дориларни эса умуман ишлатмасди. Қовун уругини ўз намида ундириб, гуллаб, найча ҳосил қилгунча сув ҳам бермасди. Бунинг учун палак атрофини кетмон билан тўрт-беш марта чопиқ қилиб юмшатарди. Сабаби, агар қовун уруги экилиши билан сўғорилса у тез сувга киргани боис таъми ширин бўлмаган.

— Бу йил қовунни жуда кам, ўзимизга егулик учун эканмиз, — дея давом этади Аҳмад Жабборов. — Чунки бу балога ҳаётий тажриба ва меҳнат билан бас келиш қийин. Шунинг учун олимларимиз бирор-бир қафолати чорани тавсия етишмас экан, қовунни таваккал эккандан наф йўқ. Бугун мазкур тармоқни замонавий мезонлар асосида ривожлантириш учун илм ва инновация керак.

Навоийлик деҳқонлар ушбу ҳашарот таъсиридан безиллаб қолишган. Натижада фаровонлик, саломатлик маънаб бўлган бу незъматни етиштиришга кўпчилик деҳқонлар жазм етиштиришда ўз мактабига эга. Мисол учун, жалойирлик машҳур миришкор Фармон Эргашевни ҳануз тажрибали деҳқон сифатида тилга олишади. Айтишларича, унинг пайкалидан олиб келинган қовун-тарвуз тугамагунча, бозорда бошқаларнинг савдоси юришмас экан. Бу бироз муволаға бўлиши мумкин, лекин Самад бобо Бозоровнинг қуйидаги сўзлари айни ҳақиқат.

да жойига тушишини таъкидлаган. Шунингдек, машҳур табиб буйрак ҳамда бошқа бир қатор хасталикларни даволашда қовун ва унинг уругидан гиёҳ сифатида фойдаланган экан. Аммо вилоятда саломатлик учун қовун фойда ушбу незъмат йилдан-йилга камайиб бораётгани афсусланарлидир.

Умуман олганда эса қовун ҳам тарвуз каби экспортбоп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ҳисобланади. Мисол учун, Кармана туманидаги «Fruit exet» корхонаси томонидан етиштирилган полиз маҳсулотлари бугунги кунда Латвия, Литва, Эстония, Польша каби Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхона раҳбариятининг сўзларига қараганда, етиштирилган маҳсулотнинг ўндан икки қисми экспортга чиқарилади. Табиийки, «қовун пашшаси»га қарши курашда деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатилса, уларнинг даромади ошиши билан бирга экспортбоп маҳсулотлар тури ортиси, ички бозорларимизда нарх-наво барқарорлиги таъминланиши аниқ. Навоий вилоятида полиз маҳсулотлари етиштиришдаги ота-боболардан мерос ҳаётий тажриба ва маҳорат мактабини сақлаб қолиш учун эса соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион юғларини кенг татбиқ этиш ҳаётий заруратга айлангани айни ҳақиқатдир.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.30 Топширилди — 04.20 1 2 3 4 5 6